



2020 у «30» сентябрь

№ Қ-532

«  »    20   г

Термиз тумани “Каттакум” массиви  
“Янгиҳаёт” маҳалласи худудидан  
“QUVONCHBEK AZIZBEK” КТСИЧЧКга  
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш  
мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун рухсат  
бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/600-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 14 августдаги 01-08/312-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/600-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Каттакум” массиви “Янгиҳаёт” маҳалласи худудидан “QUVONCHBEK AZIZBEK” КТСИЧЧКга қарашли қишлоқ хўжалик харитасининг 5қ-дала контуридаги 0,30 гектар яйлов ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланишга рухсат берилсин.

3. “QUVONCHBEK AZIZBEK” КТСИЧЧК бошлиғи Қ.Қурбоновага: иссиқхона учун рухсат берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши; етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турашова А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов